

## Қ а р о р

2023 йил май ойининг 25 куни, жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, шу суднинг раиси С.Ҳамроқуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси О.Шариповнинг котиблигида, ҳуқуқбузар деб эътироф этилган Б.Рузметов, жабрланувчи вояга етмаган С.Каримова ва унинг қонуний вакили Н.Абдуллаева, вояга етмаган М.Эркинбаева ва унинг қонуний вакили Э.Матчанов, педагог Х.Умарова ва педагог-психолог С.Ҳакимоваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан:

Рузметов Базарбай Рахимович,  
1962 йил 10 июлда Хонқа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 5 нафар фарзанди бор, нафақада, Хонқа туман 10-сон умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган, маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Хонқа туман, “Қирқ ёп” кишлоғи, “Дўрман” маҳалласида яшовчига

нисбатан тўпланган 3-2209-2301/782-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ҳуқуқбузар Б.Рузметов, 2023 йил 4 май куни соат 14:30ларда Хонқа тумани 10-сон умумтаълим мактабининг рус тили фани ўқитувчиси вазифасида ишлаб келиб, шу мактабининг 3-синф ўқувчилари вояга етмаган С.Каримова ва М.Эркинбаевага тегиниб, уларга нисбатан шахвоний хусусиятга эга бўлган номақбул ҳаракатларни қўпол равишда содир қилиб, шахвоний шилқимлик қилган.

Ҳуқуқбузар Б.Рузметов судда айбига иқрорлик билдирмасдан, у ҳозирда нафақада эканлигини, Хонқа туманида жойлашган 10-сон умумий ўрта таълим мактабида Рус тили фанидан ўқитувчи вазифасида ишлаганлигини, нафақага чиқмасидан олдин ҳам бир неча йиллар давомида ўқитувчи бўлганлигини, ўзи ишлаб келаётган Хонқа туман 10-сон мактабининг 3-синф ўқувчилари С.Каримова ҳамда М.Эркинбаеваларни танишини, уларга дарс машғулоти ўтишини бироқ, уларга нисбатан шахсни шаъни ва қадр қимматини таҳқирлашда ифодаланган шилқимлик ҳаракатлари қилмаганлигини, фақат уларни рағбатлантириш ва макташ мақсадида, елкасига қўли билан қоқиб қўйганини билдириб кўрсатув берди.

Судда вояга етмаган С.Каримованинг қонуний вакили Н.Абдуллаева, 2023 йил 4 май куни қизи С.Каримова уни олдига келиб, унга ўзи ўқиб келаётган 10-сон мактабининг рус тили фани ўқитувчиси Б.Рузметов дарс пайтида орқасида ва елкаларидан ушлаганлигини, эгнидаги юпкаси остидан қўллари билан силаб шахвоний ҳаракатлар содир қилганлигини айтганлигини,



ҳозирда Б.Рузметовга нисбатан даъвоси борлигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Судда қонуний вакили Н.Абдуллаева иштирокида сўралган вояга етмаган С.Каримова, Хонқа туман 10-сонли мактабнинг 3-синфида ўқиб келаётганлигини, 2023 йил 4 май куни мактабга дарс машғулотларини ўтказиш учун борганлигини, шу куни соат тахминан 14:30ларда рус тили фани дарсига кирганлигини, ўқитувчиси Р.Рузमतов дарс пайтида орқасида ва елкаларидан ушлаганлигини, эғнидаги юпкаси остидан қўллари билан силаганини билдириб кўрсатув берди.

Судда вояга етмаган М.Эркинбаеванинг қонуний вакили Э.Матчанов, 2023 йил 4 май куни набираси М.Эркинбаевани ўзи ўқийдиган Хонқа туман 10-сон мактаби рус тили фани ўқитувчиси Б.Рузметов дарс пайтида оёғидан ва қорнидан ушлаганлигини, эғнидаги юпкаси остидан қўллари билан силаб шахвоний ҳаракатлар содир қилганлигини билганлигини, ҳозирда Б.Рузметовга нисбатан даъвоси борлигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Судда қонуний вакили Э.Матчанов иштирокида сўралган вояга етмаган М.Эркинбаева, Хонқа туман 10-сонли мактабнинг 3-синфида ўқиб келаётганлигини, 2023 йил 4 май куни мактабга дарс машғулотларини ўтказиш учун борганлигини, шу куни рус тили фани дарсига кирганлигини, ўқитувчиси Р.Рузमतов дарс пайтида оёғидан ва қорнидан ушлаганлигини, эғнидаги юпкаси остидан қўллари билан силаганини билдириб кўрсатув берди.

Суд Б.Рузметовнинг суддаги, ўқувчилари С.Каримова ҳамда М.Эркинбаеваларга нисбатан шахсни шаъни ва қадр қимматини таҳқирлашда ифодаланган шилқимлик ҳаракатлари қилмаганлиги, фақат уларни рағбатлантириш ва макташ мақсадида, елкасига қўли билан қоқиб кўйгани ҳақидаги кўрсатувларини ишончга сазовор эмас ва ишнинг ҳақиқий ҳолатига тўғри келмайди деб шунингдек, унинг ушбу важларини судни чалғитиш, ўз аҳволини ва ҳуқуқбузарлигини енгиллаштириш, қилмишига яраша муқаррар жавобгарликдан ва жазодан қутулиш учун қилинаётган ҳаракатлари деб танқидий баҳолашни ва рад қилишни лозим топди.

Чунки, судда қонуний вакили Н.Абдуллаева иштирокида сўралган вояга етмаган С.Каримова, 2023 йил 4 май куни мактабга дарс машғулотларини ўтказиш учун борганлигини, ўқитувчиси Р.Рузमतов дарс пайтида орқасида ва елкаларидан ушлаганлигини, эғнидаги юпкаси остидан қўллари билан силаганини билдириб кўрсатув берди.

Шунингдек, судда сўралган қонуний вакил Н.Абдуллаева, вояга етмаган М.Эркинбаева ва унинг қонуний вакили Э.Матчанов ҳам шу мазмунда кўрсатув беришди.

Суд, Б.Рузметовнинг ҳуқуқбузарлиги маъмурий баённома, тушунтириш хатлари ва маъмурий ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топади деб ҳисоблайди.

Суд, Б.Рузметовнинг ҳуқуқбузарлиги терговга қадар текширув органи томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд Б.Рузметовга маъмурий жазо чораси ва турини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги



“Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори тушунтиришларига амал қилиб, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганини, нафақадалигини ҳамда оилавий ва моддий аҳволини МЖТКнинг 31-моддасига асосан маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, шунингдек, МЖТКнинг 32-моддасига асосан унинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, жабрланувчиларнинг даъвоси борлиги ва қонуний чора кўриш ҳақидаги кўрсатувларини инобатга олиб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида маъмурий қамоқ жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд шунингдек, ҳуқуқбузар Б.Рузметовдан қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун суткасига базавий ҳисоблаш миқдори 330.000 сўмнинг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридаги тўлов, жами 247.500 сўмни белгиланган тартибда ўзидан ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикасининг 09.01.2017 йилдаги “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги 420-сонли Қонуннинг 24-моддаси 1-қисмида “Маъмурий қамоққа олинган шахслардан туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича судьясининг, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса, шунингдек ҳарбий комендантнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарорига кўра, махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар суткасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида ундирилади” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг МЖТКнинг 29, 31, 32, 245, 294, 309, 310-моддаларига амал қилиб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Рузметов Базарбай Рахимович Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилсин ва унга шу модда билан 5 (беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 25 май куни соат 17:00дан бошлаб ҳисоблансин.

Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун суткасига базавий ҳисоблаш миқдори 330.000 сўмнинг 15 (ўн беш) фоизи яни 49.500 сўм миқдоридаги тўлов, жами 247.500 сўм белгиланган тартибда Б.Рузметовдан ундирилсин.

Тўлов суммаси Хоразм вилоят ИИБнинг “Марказий банк” (МФО 00027) ҲККМдаги 21506000700193854018-ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Қарорнинг ижросини таъминлаш Хонқа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози томонлар қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс ва жабрланувчи қарорнинг кўчирма нусхаси олган кунидан эътиборан шу муддатда ушбу суд орқали Хоразм вилоят судига апелляция шикояти (протести), прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

С.Ҳамроқулов

